

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:
Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

О.Алиев	
Ахборот хавфсизлигига доир тушунчалар тавсифи	190
К.Пулатов	
Совет даврида Ўзбекистонда тарғиботнинг ривожланишида даврий матбуотнинг ўрни(1953-1956 йиллар)	193
С.Назарова	
Ўзбек санъатини забт этган Қўқон булбули	197
Д.Тошпулатова	
Муаллиф онги ва тафаккурида буюк қадриятларнинг акс этиши	201
И.Жўраев, Ҳ.Жўраев	
Навоий ижодида маънавий-маиший таназзул ва ижтимоий инқироз ифодаси	204
А.Акбаров	
Абадиятга даҳлдор можаро	207
Н.Соатова	
Бадий тасвирда адабнинг эстетик қарашлари	210
Н.Холматова	
Эркин Аъзам адабий-эстетик қарашларининг шаклланиши	214
Д.Юлдашева	
“Алла” матни лингвофольклористиканинг ўрганиш обьекти сифатида	218
Ш.Кахарова	
Ўзбек ва инглиз педагоглари мулоқот хулқида қўлланиладиган мурожаат шаклларининг қиёсий тадқиқи.....	220
Ш.Мўминов	
Янги ўзбекистонда раҳбарлик ва унга ёндош тушунчалар семантикасига доир	223
Н.Юлдошева	
Содда гап қолиплари воқеланишига таъсир қилувчи морфологик омиллар ҳақида	226
М.Хошимов	
Тилда «субъектив – модал баҳо” микроконцептини воқелантирувчи кириш гапли қўшма гапларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари	228
М.Хусайнова	
Касб-хунарга оид латифаларнинг прагматик хусусиятлари	236
<hr/>	
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Илмга бахшида умр	239
Библиография	242

ЎЗБЕК САНЪАТИНИ ЗАБТ ЭТГАН ҚҮҚОН БУЛБУЛИ

КОКАНДСКИЙ СОЛОВЕЙ, ПОКОРИВШИЙ УЗБЕКСКОЕ ИСКУССТВО

THE NIGHTINGALE OF KOKAND WHO CONQUERED UZBEK ART

Назарова Саодат Тауфиковна¹

1Назарова Саодат Тауфиковна

—ЎЭР ФА Тарих институти кичик илмий ходими.

Аннотация

XX асрнинг 20-30 йилларида ўзбек саҳна санъати тараққиёти учун муҳим кучлар етишиб чиқди. Санъатнинг ушбу соҳасини ривожлантириш йўлида зиёлилар иқтидорли йигит ва қизларни Москва ва Боку шахарларида ўқишига юборилди. Мақолада Боку шаҳрида таълим олган, келажакда Ҳалқ артисти даражасига етган Ҳалима Носированинг соҳага кириб келиши, таълим жараёни, ундаги қийинчилклари, эришган ютуқлари хотира-эсдаликлар ва архив манбалари орқали ёритилади.

Annotation

In 20-30-e годы XX века в узбекском сценическом искусстве появились новые силы, способные развивать данную сферу. В целях развития этой области искусства интеллигенция направляла на учебу в Москву и Баку талантливых юношей и девушек. В статье на основе мемуарных воспоминаний и архивных источников описываются трудности и достижения Халимы Насыровой в процессе обучения в Баку, впоследствии удостоенной высокого звания Народной артистки.

Annotation

In the 20-30s of the XX century, new forces appeared in the Uzbek stage art, capable of developing this sphere. In order to develop this field of art, the intelligentsia sent talented young men and women to study in Moscow and Baku. Based on memoirs and archival sources, the article describes the difficulties and achievements of Halima Nasyrova in the process of studying in Baku, later awarded the high title of People's Artist.

Таянч сўз ва иборалар: Ҳалима Носирова, Москва, Боку, театр, опера.

Ключевые слова и выражения: Ҳалима Насырова, Москва, Баку, театр, опера.

Key words end expression: Halima Nosirova, Moscow, Baku, theater, opera.

Ўзбек маданияти ва анъанавий санъати асрлар мобайнида тараққий этиб ривожланиб келди. Тарихнинг турли даврларида гарчанд маълум тўсиқларга, турғунликка учраган бўлса-да, ўзининг миллийлиги ва анъанавийлигини сақлаган ҳолда харакатдан тўхтаб қолмади. Унинг ривожланишида ўз даврида етишиб чиқкан ана шу соҳа вакилларининг хизматлари бекиёсдир. Улар бугунги кунда гарчанд тарих саҳифаларида ўз номларини ўчмас из қилиб қолдирган бўлсалар-да, бундай маданият ва санъат дарғаларининг ҳаётини ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

XX аср бошларида Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати, мутаассиблик каби турли тўсиқларга қарамай Туркистандаги ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаёт жонлана борди. Унда маҳаллий зиёлилар ва ўлка тараққиёти учун хайриҳоҳ кишиларнинг хизматлари катта бўлди. Ўлқада матбуот, маориф билан бирга маданиятнинг турли соҳалари ҳам ривожланиб борди. Ҳусусан, театр соҳаси янгича кўринишда ривожлана бошлади. Бунда миллий зиёлилар билан бирга татар ва Озарбайжон ҳалқлари

билан олиб борилган алоқалар ҳам алоҳида аҳамият касб этди. XX асрнинг биринчи ўн йиллигидан бошлаб замонавий театрни саҳнада шаклланишида маҳаллий зиёлилар ва санъаткорлар жонбозлик кўрсатдилар, саҳнада улар драма ва пьесаларда ўзлари образлар яратадилар.

XX асрнинг 20-йилларида миллий саҳна санъатини ривожлантиришга бўлган ҳаракатлар эътибордан четда қолмади. Маърифатпарварлар томонидан маҳаллий ёшлардан саҳна учун замонасига мос мутахассислар тайёрлаш йўлида Туркистаннинг турли худудларидан иқтидорли ёшлар излаб топилди. Уларни Москва ва Бокудаги санъат йўналишидаги таълим даргоҳларида ўқитиш ҳаракатида бўлдилар. Улар ана шу шаҳарларда таълим олиб 20-йилларнинг ўрталарида Туркистанга қайтдилар. Бунинг натижасида театр ва мусиқа соҳасида кўплаб маҳаллий санъат намоёндалари етишиб чиқдилар. Улар орасида ўзбек театр ва мусиқа санъати тараққиётида ўзига хос из қолдирган Ҳалима Носирова ҳам бор эди.

Ҳалима Носирова ҳақида кўплаб асар, рисолалар, шунингдек, санъаткорнинг эсадлилк-хотиралари нашр этилган [1]. Ҳалима Носирова 1913 йилда Қўқон шаҳри яқинидаги Тоғлик қишлоғида туғилган. У беш ёшга тўлганида отаси вафот этади. Отаси вафотидан кейин уларнинг қишлоқдаги ҳаёти оғирлашади. Онаси иш излаб Қўқонга келади. 1920 йил бошларида шаҳарларда мактаблар ва болалар уйлари ташкил топаётган давр эди. Қўқон шаҳри фаолларидан бўлган Тожиҳон Шодиева бу оиласа кўмак бериш мақсадида Ҳалима Носирова ва опасини болалар уйига жойлаштиради. Ёш укаси онаси билан қолади. Ўз навбатида онаси ипак йигирив фабрикасига ишга киради [2].

Ҳалима Носирова болалар уйида татар аёллари қўлида тарбия топди. Болалар уйида катта бўлган ўқувчилардан энг фаоллари вилоят Ҳалқ маорифининг йўлланмаси билан Тошкентдаги педагогика техникумига юборилган. Улар орасида Собира Ҳолдорова, Ҳакима Хўжаева, Ҳосият Комилова, Ҳалима Носирова каби кейинги даврда таникли ўзбек аёлларига айланган қизлар ҳам бор эди.

Техникумда Саодатхоним Еникеева** уларга ғамхўрлик қилиб ёш иқтидорларни тарбиясига олган. Шунингдек, у ёш Ҳалимага пианино сабоқларидан дарс берган. Ҳ.Носирова хотираларида ёзишича, техникум ўқитувчилари ўз тарбияланувларининг актриса бўлиб етишишларига қарши чиқишган. Уларга “муаллима”-ўқитувчи бўлишлари кераклиги сингдирилган [3].

Ҳалима Носированинг онаси фарзандларини болалар уйига жойлагач, паранжини ташлаган, партия сафига кириб ҳукуматга хизмат қилган фаол аёллардан бўлган. Шунингдек, пилла фабрикасида ишлаш билан бир вақтда хотин-қизларни янги турмушга тарғиб қилиш билан шуғулланган. Мана шундай чиқишларда онаси Ҳ.Носировани ўзи билан бирга олиб юрган. У бу учрашувларда шеър ва ашула куйлаб онасининг ҳалқ учун қилаётган хизматларига

* Еникеева Саодат Ҳакимовна- Тошкентлик. Эски шаҳар мусиқа техникумидаги дарс берган. Маълумоти ўрта. 1918 йилда педагоглик билан бирга пилла фабрикасида ҳам ишлаган. (Личная анкета. ф-34, 1-рўйхат, 59-иш, 61-варақ).

ўз ҳиссасини қўшган. Шундай учрашувлар натижасида Ҳ.Носирова: “Мен артистка бўламан, саҳнада ҳамма хотин-қизларни озодликка, ўқишга, янги, улкан, баҳтиёр турмушга чақираман. Болалар уйида тарбиячиларим, муаллималарим, кейин устозим Саодатхоним айтганлариdek, уларни янги, ёруғ ҳаётга чорлайман, умидларини, орзу-армонларини, тилакларини, ҳистийғуларини куйлайман” [4], - деган қарорга келади.

Техникумда бадиий ҳаваскорлик кечалари уюштирилган. Мана шундай кечалардан бирига “Намуна драматик труппасининг” актёри Сайфи Олимов* ташриф буюради. Унга Ўзбекистоннинг турли шаҳарларидан театрлар ташкил этиш учун актёр кадрларни йиғиш вазифаси юклатилган эди. Ёш Ҳалима Носировадаги иқтидорни кўрган С.Олимов уни Бокудаги театр техникумiga ўқишга юбориш таклифини киритади. Албатта ёш иқтидор эгаси бундан хурсанд бўлади. Лекин техникум раҳбарияти уни муаллима бўлишини билдириб, бу таклифга қаршилик қилади. Аммо бу вазиятда юқори ташкилотларнинг аралашуви туфайли техникум раҳбарияти ноиложлиқдан розилик билдирган. Шу пайтда Озарбайжоннинг Боку шаҳридан келган Боку театр техникумiga йўлланма асосида бир гуруҳ ёшларни саралаб олиб Бокуга жўнатилади [5]. Сайфи Олимов етакчилигига улар Бокуга йўл оладилар.

Москвада Ўзбек маориф уйи қошида 1924 йилда уч йиллик “Ўзбек театр студияси” ташкил этилган эди. Бу студияга Ўзбекистондан дастлаб 24 киши юборилди. Улар орасида Манон Уйғур, Аброр Хидоятов, Етим Бобоҷонов, Шариф Қаюмов, Лутфулла Назруллаев, Турсуной Сайдазимова, Сора Эшонтўраева каби ёш санъат намоёндалари бор эди. (Уларнинг барчаси кейинчалик санъат арбоблари бўлиб етишиб чиқдилар – С.Н.)

Худди шу йили Бокуга ҳам театр ҳаваскорларининг бир гурухи юборилади. Улар орасида Сайфи Олимов, Ҳакима Хўжаева, Назира Алиева, Зухур Қобулов, Раҳимберди Бобоҷонов, Саъдулла Жўраев, Исроил Исмоиловлар бўлиб, уларнинг каттаси Исроил Исмоилов, энг кичиги эса Ҳалима Носирова эди.

Ҳ.Носированинг орзулари рўёбга чиқди. Чунки ёш қизалоқ Қўқонда Тамарахонимнинг

ИЛМИЙ АХБОРОТ

рақс ва мусиқа ижросини кўргач, актриса бўлишни ният қилган эди. Сайфи Олимов ундан актисалик қасбининг оғирлиги, машақатини енгид ўта олишга қодирми деб сўраганида, у: “Ҳаммасини ўйлаганман. Ҳар қанча қийин бўлса ҳам актриса бўламан. Мен Тамараҳоним концертда қандай ўйнаб, ашула айтганини кўрганман. Уни тошбўрон қилмоқчи бўлишган, у эса зифирча ҳам қўрқмаган. Мен ҳам қўрқмайман” дея, жавоб қайтарган [6].

Театр техникумидаги ўқиш билан бирга Ўзбекистон ёшлари саҳнада роль ижро этиш ишлари билан ҳам машғул бўлганлар. Ҳ.Носировага ҳам қобилиятига қараб “Аршин мол олан” пьесасидаги Гулчехра ролини топширишади. 1926 йилга келиб Боку ва Москва драма студиясида ўқиётган ёшлар ҳисобот учун саҳна асарлари тайёрлаб, Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб гастроль сафарига келишади. Чунки бу ёшлар Ўзбекистон ҳукумати томонидан таъминланиб, уларнинг эришаётган ютуқлари ана шу кўринишда ҳисобот қилинар эди. 1926 йилги ёзги таътилда Бокудаги ўзбек талабалари ҳисобот учун 6 та пьеса тайёрлашган эди. Пьесалар орасида У.Хожибековнинг “Аршин мол олан”, Жафар Жабборнинг “Ойдин”, Мольернинг “Жорж Данден” пьесалари ҳам бор эди. Улар Тошкентда Москва драма студияси талабалари билан учрашадилар. Боку талабалари Кўқонда пьеса қўйгани боргандага Ҳалима, онаси ва опаси билан учрашади. Бу пайтда унинг опаси Ойша хотин-қизлар бўлимида Тоҷиҳон Шодиева*нинг котибаси бўлиб ишлаётган эди [7]. Шундай таътилларнинг бирида, Ҳалима Носирова Москва студиясининг талабаси ўзбек қизи Турсуной Сайдазимова* билан учрашади. Шунда Т.Сайдазимова: “...биз бутун кучимизни хотин-қизлар паранжи балосидан тезроқ халос бўлиб, тўрт девор ичидан чиқишилари учун сарфлашимиз керак! Шундай қилсаккина ҳукумат берган нон-тузни, билимни оқлаган бўламиз”,[8] дейди. Афсуски, Турсуной Сайдазимова 17 ёшида ўз қасбининг курбонига айланди ва эри томонидан ўлдирилган эди.

Ҳалима Носирова ўз хотираларида техникумдаги ўқув жараёнининг мешақатли йўлини тасвирлаган. Чунончи, у 22 рубль стипендиянинг ярмини турад жойга ишлатган. Шунингдек, спектаклларнинг ижроси учун маҳсус либослар мавжуд бўлмаган. Лекин таълим олиш жараёнидаги қийинчиликлар

ўқув жараёнига тўсқинлик қилмаган ва талабалар барча муаммоларни биргаликда ҳал этганлар. Ўқув жараёнини хотирлаган актриса саҳна ҳаракати фанидан таълим берган В.В.Сладкопевцевни* илиқ хотиралар билан ёдга олади [9].

Бу даврда аёл актисаларга эҳтиёж жуда катта бўлганлигини Москвадаги «Ўзбек маорифи уйи» қошида драматик студия раҳбариятининг Ўзбекистон ҳукуматига ёзма мурожаати тасдиқлайди. Унда қобилиятли маҳаллий қизларни ўқиш учун юборилиши сўралган [10]. Аёл актисаларга зарурат бўлганлиги боис ҳам улар баъзан саҳнага жуда эрта кириб келганлар. Масалан, Ҳалима Носирова Бокуга таҳсил олгани борганида 12 ёшда, Ҳамза театрида иш бошлаганида эса 15 ёшда бўлган эди. 30-йилларга келиб, М.Ф.Ахундов номидаги Озарбайжон Давлат турк театр техникумининг қабул шартлари ўзгаради ва қабул қилинувчилар учун маълум ёш чегаралари белгиланган эди [11].

Ҳ.Носирова таътилда Кўқонга келиб уюширилган саҳна кўринишларида чиққанлиги боис маҳаллий мутаассибларнинг таъқибиға учраган. Унинг гримёр хонасига қисқа мазмундаги мактуб қолдирилади. Мактубда унинг гуноҳкорлиги ва у ўлдирилиши ёзилган эди. Иродаси кучли актриса таъқибларга эътибор бермай ўз ижодида давом этди.

Бокуда таълим олиб қайтган ёш актриса 1927 йилдан бошлаб Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театри (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри)да иш фаолиятини бошлайди.

1929 йилда Республикада халқнинг мусиқали театрга бўлган эҳтиёжининг ортиши, соҳага янги актёrlарнинг кириб келиши муносабати билан мусиқали театр ташкил этилди. Ўз навбатида Ҳалима Носирова ушбу янги театрнинг етакчи актисалари қаторидан жой олди.

1935 йили Москва Давлат консерваторияси қошида Ўзбек опера студияси очилади. Унда миллый опера санъати учун кадрлар тайёрлана бошланди. Ҳ.Носирова ўқишига юборилган талабалар орасида биринчилардан бўлди.

Актёrlарнинг малакаларини оширишлари, албатта, ўз натижасини берди. 1939 йилда Ўзбекистонда “Ўзбек Давлат опера ва балет театри” ташкил этилди (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театри – С.Н.). Янги ташкил

этилган театрда “Бўрон” спектакли премьераси билан очилди. Ушбу операда Ҳ.Носирова “Норгул” ролини ижро этган. Айтиш жоизки, ўзининг майин ва ширали овозига эга бўлган Ҳ.Носирова театрнинг етакчи актрисаларидан саналган ва асосий ролларни ижро этган. Юксак қобилиятга эга бўлган актриса театр репертуаридаги классик ва ўзбек миллий операларини 1986 йилга қадар ижро этиб келди.

Ҳ.Носирова опера саҳнасида роллар ижроси билан бирга, ўз малака ва тажрибасини янги авлодга етказишга ҳам ҳаракат қилди. У 1979-1986 йилларда Тошкент консерваториясида “Шарқ мусиқалари” кафедраси ўқитувчиси бўлиб талабаларга таълим берган. 1954 йилда

Ҳ.Носирова аёллар ҳукуқи ва эркинликларига бағишиланган рисола ҳам ёзган эди [12].

Ҳ.Носирова бутун умри давомида ўз устида ишлаб, ўқиш ва изланишда тўхтамади. Унинг қўлга киритган унвонлари актрисанинг тинимсиз ижодидан далолат беради. Ўз фаолияти давомида у бир неча унвонларга эга бўлган. Лекин унга берилган энг катта мукофот бу, унинг фидокорона меҳнати натижаси ва ўзбек опера санъатини дунёга танитишга қўшган ҳиссаси учун 2000 йилда Ўзбекистон халқ артисти Давлат мукофоти - “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланиши бўлди. Унинг ҳаёт йўли ва ижоди нафақат санъат тарихини ёритишда, шунингдек, ёш авлод тарбияси учун ҳам намуна мактаби бўла олади.

Адабиётлар:

1. Насриддинов Б. Ҳалима Носирова. –Т.: F.Фулом номидаги адаб. ва санъат нашриёти, 1983. Йўлдошбоева Т. Ҳалима Носирова. –Т.: 1971. Б.23; Франк Евг. Ҳалима Насырова. Москва, 1950; Носирова Ҳ. Мен ўзбек қизиман. –Т.: F.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. (Эсдаликлар). Б.302; Солнце над Востоком. Изд.-во. ЦК ВЛКСМ Молодая гвардия, 1962.
2. Йўлдошбоева Т. Ҳалима Носирова. –Т.: 1971.
3. Носирова Ҳ. Мен ўзбек қизиман. –Т.: F.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968.
4. Носирова Ҳ. Мен ўзбек қизиман. –Т.: F.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968.
5. Носирова Ҳ. Мен ўзбек қизиман. –Т.: F.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968.
6. Носирова Ҳ. Мен ўзбек қизиман. –Т.: F.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968.
7. Носирова Ҳ. Мен ўзбек қизиман. –Т.: 1968.
8. Носирова Ҳ. Мен ўзбек қизиман. –Т.: F.Фулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968.
9. Насырова Ҳ. Солнце над Востоком. М., 1962.
10. Ўз МА. Р-94-фонд, 5-рўйхат, 305-иш, 1, 157-варақлар.
11. Ўз МА. Р-94-фонд, 5-рўйхат, 836а-иш, 1, 27-28-варақлар.
12. Носирова Ҳ. Ўзбекистон хотин қизлари тинчлик учун курашда. –Т.: 1954.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори, доцент)